

---

## **Диёrimизда муборак рамазон ойи давом этмоқда. Мехр-оқибат, саховат, яхшиликлар ойида қалблар нурга тұлмоқда**

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 17 февраль куни Бухоро вилоятiga ташрифи чоғида әхтиёжманд, бокувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан Умра зиёратига жўнатиш ташаббуси илгари сурилди. Қисқа фурсатда анашу ташаббус амалга оширилди. Ва бир гуруҳ ватандошларимиз Умра зиёратига юборилди.

Республикамиз бўйлаб минглаб ватандошларимиз ичida З нафар фурқатлик хожиларимиз ҳам бор. Тумандошларимиз куни кеча Умра зиёратини ўтаб қайтдилар.

Бугун туман раҳбари бошчилигига диний идора вакиллари билан биргаликда зиёратчилар йўқланди.

- Бизни кутиб олиш, меҳмонхоналарга жойлаштириш ва бошқа барча хизматлар аъло даражада бўлди, - дейди Фурқат тумани Шунқор маҳалласида яшовчи Солияхон Ботирова. – Рамазон ойида адо этилган Умра зиёрати муборак Ҳаж амали билан баробар бўлиши мумкинлиги, шунингдек, сафар чоғида тутилган рўзанинг савоби катта эканлиги қалбимизда беҳисоб шукроналик туйғуларини ҳис қилдик.

2023-04-01 18:21:15